



O'ZBEKISTON STANDARTLASHTIRISH METROLOGIYA VA
CERTIFIKATLASHTIRISH AGENTLIGI
BOSH DIREKTORINING
BUYRUGI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПП-3837 сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда давлат органлари ҳамда жамоатчилик ўртасида самарали алоқа ўрнатиш шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида буюраман

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПП-3837 сонли Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Ўзстандарт” агентлигида узоқ меҳнат қилган, фахрий, ташкилотнинг жамоат ишларида катта тажрибага эга бўлган ходимлардан иборат жамоатчилик кенгаши 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Ўзстандарт” агентлиги қошидаги “Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низоми” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Юқорида қайд этилган қарорга кўра:

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан ташкил этиладиган бўлажак очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг, жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;

“Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

“Ўзстандарт” агентлиги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

“Ўзстандарт” агентлигида қонун ижодкорлиги фаолиятида, агентлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига “Ўзстандарт” агентлиги томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;

“Ўзстандарт” агентлигида ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш бўйича ҳуқуқлар берилганлиги инобатта олинсин.

5. Умумий бўлим (Агзамов), “РССМ” ДК (Закиров) ларга:

Ушбу буйруқ билан тизим таркибидаги корхоналар ҳамда ҳудудий СМБ ва ССМ раҳбарларига 2 кунлик муддатда етказилсин.

6. Ушбу буйруқни ижросини назорат қилиш Бош директор ўринбосари Ж.Шухуров зиммасига юклатилсин.

Бош директор



А.Каримов

Тошкент ш.

2018 йил « 6 » июль

137 - сон

2018 йил "6" 07 даги
234 -сонли буйруғига
1-илова

"Ўзстандарт" агентлиги қошида тузилган жамоатчилик кенгаши

ТАРКИБИ

Ф.И.Ш.

Лавозими

Махмудов Файзулла Фатхуллаевич

"ЎзММИ" ДК Ахборот таҳлил бўлими
бошлиги – раис

Раҳманов Эркин Холмуродович

Бош юрисконсулт - раис ўринбосари

Якубова Назокат Халидовна

"АхММ" ДК етакчи мутахассис – котиби

Жамоатчилик кенгаши аъзолари

Тоҳиров Одилжон Зоҳиджоновиç

"Ўзстандарт" агентлиги мувофиқликни
баҳолаш ва сифат тизимларини жорий
этиш бошқармаси бошлиги

Расулов Рауф Гафурович

"Ўзстандарт" агентлиги матбуот котиби

Ханбабаев Султон Суннатович

"Ўзстандарт" агентлиги техник жиҳатдан
тартибга солиш бошқармаси бош
мутахассиси

Шарипов Шавкат Миршакирович

Стандартилаштириш ва давлат назоратини
мувофиқлаштириш бошқармаси бош
мутахассиси

Умаров Абдурашид Баратович

"ЎзММИ" ДК хўжалик бошлиги

Давиров Аҳрор Кучкарович

"АхММ" ДК бўлим бошлиги

Ўрманова Динара Эркиновна

"РССМ" ДК кадрлар бўлими бошлиги

Мухтаров Неъматилло
Сулейманович

"РССМ" ДК Ахборот таҳлил бўлими бош
мутахассиси

**“Ўзстандарт” агентлигининг жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик кенгаши ўз иштини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Жамоатчилик кенгаши “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати ҳузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти мазкур давлат органининг барча ҳудудий бўлинмалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларига татбиқ этилади.

4. Жамоатчилик кенгаши “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг буйруғи билан ташкил этилади.

5. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

6. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар “Ўзстандарт” агентлиги Бош директрининг буйруғи билан тасдиқланади.

**2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва
мажбуриятлари**

8. Қуйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўйга чиқариш бўйича “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб берилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил

ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолиятини ислох қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

“Ўзстандарт” агентлиги фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатишган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

9. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органига тегишли таклифлар киритади;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилади, шунингдек, ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолиятига тааллуқли унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган таклифларни “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари ўртасида муҳокама қилишга бағишланган тадбирларни ташкил этишда қатнашади;

давлат дастурлари лойиҳаларини, тадбирлар режаларини ва давлат органи фаолиятига тааллуқли, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда вақолатлари доирасида иштирок этади, бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилади, шунингдек, йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашади, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда, шунингдек, ишдан бўшатишган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этади;

“Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлинмаларида ва тасарруфидаги ташкилотларида соғлом ишчанлик муҳитини ривожлантириш, қонунийликни, юксак ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда Ватанга содиқлик руҳини ва қонунларга бўшан ҳурматни кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакатда ва хорижда кенг жамоатчиликни давлат органи фаолиятини ислох қилиш бўйича амалга ошириладиган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда хабардор қилишни таъминлайди ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

“Ўзстандарт” агентлиги фаолиятига бағишланган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил этишда иштирок этади,

эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони чекланмаган.

14. Жамоатчилик кенгашининг таркиби давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар 3 йилда тасдиқланади.

15. Қуйидаги ҳолатларда жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан жамоатчилик кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқаришдан сўрашнинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомаллага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

16. Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгаришлар улар тасдиқланган пайдан бошлаб 5 кун ичида давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

17. Жамоатчилик кенгашининг раиси:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

жамоатчилик кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилади;

жамоатчилик кенгаши аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

“Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни давлат органи раҳбари билан келишади;

жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори билан ҳамкорлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишhini таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамоатчилик кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

19. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари:

раис йўқлигида жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, жамоатчилик кенгаши фаолиятига тааллуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Жамоатчилик кенгашининг котиби:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

жамоатчилик кенгашининг назбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ жамоатчилик кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

жамоатчилик кенгаши ўтказиладиган саба, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини жамоатчилик кенгашининг раиси билан келишади;

жамоатчилик кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни жамоатчилик кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

“Ўзстандарт” агентлиги фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қилади, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда нодавлат потижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

10. Жамоатчилик кенгаши зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан ташкил этиладиган бўлажак очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

“Ўзстандарт” агентлиги, жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;

“Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

“Ўзстандарт” агентлиги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

“Ўзстандарт” агентлиги қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига “Ўзстандарт” агентлиги томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Жамоатчилик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик пазорети тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

“Ўзстандарт” агентлиги, тизим ташкилотлари ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўқинлик қилмаслиги;

фуқароларнинг ор-номуси ва кадр-қимматини таҳдирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, махфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишни ташкил этиш тартиби

12. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари қиради.

13. Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тарихасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-

жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидати масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:

ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

жамоатчилик кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни жамоатчилик кенгашида кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашади;

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари, уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказади ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни жамоатчилик кенгашига киритади;

жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг ваколатига қирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси жамоатчилик кенгаши аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақиритиши мумкин.

23. Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат ноғижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

24. Жамоатчилик кенгаши мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таклифлари ва жамоатчилик кенгаши раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

25. Жамоатчилик кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида “Ўзстандарт” агентлиги ёки тизим ташкилотлари раҳбарлари, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

26. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

27. Жамоатчилик кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган жамоатчилик кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

28. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

29. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда давлат органига, жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Жамоатчилик кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти тутилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор жамоатчилик кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари жамоатчилик кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослангирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

31. Жамоатчилик кенгашининг қотиби кенгаш аъзолари кўмагида жамоатчилик кенгаши қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

4-боб. Яқунловчи қондалар

32. Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори ва ўринбосари томонидан назорат қилинади.

34. Жамоатчилик кенгашининг ва “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори ва ўринбосари жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

“Ўзстандарт” агентлиги қошида тузилган жамоатчилик кенгаши аъзоларининг рўйхати

Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими	Тел рақами
Маҳмудов Файзулла Фатхуллаевич	Ўзбекистон миллий метрология институти Ахборот таҳлил бўлими бошлиғи	+998 97 784 55 10 info@nim.uz
Раҳманов Эркин Холмурадович	Бош юрисконсулт	71 202-00-11(1007) yurist@standart.uz
Якубова Назокат Халидовна	Ўзбекистон миллий метрология институти Кадрлар бўлими бошлиғи	71 202-00-11(1225) info@nim.uz
Тохиров Одилжон Зоҳиджонович	“Ўзстандарт” агентлиги мувофиқликни баҳолаш в сифат тизимини жорий этиш бошқармаси мутахассис	71 202-00-11(1089) sert@standart.uz
Расулов Рауф Гафурович	Матбуот котиби	71 202-00-11(1009) pressinfo@standart.uz
Ханбабаев Султон Суннатович	Ўзбекистон миллий метрология институти Бош мутахассис	71 202-00-11(1222) info@nim.uz
Шарипов Шавкат Миршарипович	Департамент бош мутахассис	71 202-00-11(1806) depstandt@standart.uz
Умаров Абдурашид Баратов	Ўзбекистон миллий метрология институти Бўлим бошлиғи	78 150 26 12 info@nim.uz

Давиров Аброр Кучкаров	Стандартлар институти бўлим бошлиғи	+998 97 464 79 20 uzsti@standart.uz
Ўрманова Динара Эркиновна	“UzTest” маркази Кадрлар бўлими бошлиғи	+998 97 712 11 86 info@uztest.uz
Мухтаров Неъматилло Сулейманович	“UzTest” маркази Бош мутахассиси	71 202-00-11(1125) info@uztest.uz

*Изоҳ: кенгаш аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига тайинланган шахс кенгаш аъзоси ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгаши таркиби “Ўзстандарт” агентлигининг 2018 йил 6 июльдаги 237-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Агентлик Матбуот хизмати Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

Матбуот хизмати билан боғланиш:

тел. +998 (71) 202-00-11(1009)

e-mail: pressinfo@standart.uz

«Ўзстандарт» агентлигининг жамоатчилик Кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

«Ўзстандарт» агентлиги ва тизим ташкилотлари фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини куриб чиқишда иштирок этиш мақсадида тадбиркор «Ўзстандарт» агентлигига эмас, аксинча «Ўзстандарт» агентлиги тадбиркорларнинг хузурига бориб, улар билан юзма-юз учрашувлар ўтказилди.

Жумладан, «UZKAND» МЧЖ корхонаси қуритилган мевалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, муаммоларни ўрганиш жараёнида маҳсулотлар таркибидаги олтингугурт миқдорини аниқлашда кийинчиликлар мавжудлиги ва уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалари олинди. Учрашув давомида тадбиркор ўз фаолиятини янада такомиллаштириш учун «Ўзстандарт» агентлиги кўмагида қуритилган меваларни олтингугурт миқдорини аниқловчи лабораториялар ташкил этиш ёки мавжуд лабораторияларни такомиллаштириш, яъни уларни хизмат кўрсатиш қувватини ошириш таклифини берди ва бу унга қисқа муддатлар ичида корхонасининг экспорт салоҳияти ва географиясини кенгайтиришни маълум қилди.

Шундай учрашувлардан яна бири «ТАКРО-ОСИYO» МЧЖда бўлиб ўтди. «ТАКРО-ОСИYO» МЧЖ болалар кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, корхона раҳбари билан суҳбат давомида маҳсулотларни бошқа давлатларга экспорт қилишда кийинчиликлар мавжудлиги ва уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалари олинди. Тадбиркор ўз фаолиятини янада кенгайтириши учун «Органик сертификат» олиш орқали экспорт географияси кенгайтириш ва Англияга экспорт қилиш имкони яратилишини маълум қилди.

Ҳар иккала корхона томонидан билдирилган мурожаатни имкон қадар қисқа муддатларда ижобий ҳал қилиш юзасидан масъул ходимларга кўрсатма берилди ва ижроси назоратга олинди.

Шунингдек, «Ўзстандарт» агентлиги раҳбарияти томонидан visit.standart.uz веб-сайти яратилиб, тадбиркорларнинг мурожаатлари ва уларга кўрсатилган амалий ёрдам тўғрисида маълумот бериб бориш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5505-сон Фармониغا асосан соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан соҳага оид Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилди.

«Ўзстандарт» агентлиги жамоатчилик кенгаши томонидан тизимда «Коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури»га мувофиқ Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси билан доимий ҳамкорлик қилиш бўйича масъул ишчи гуруҳ ҳамда Дастурнинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари хушёр бўлишга, таъмагирлик ҳолатларига йўл қўймасликка, акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг коррупцияга алоқадор (210-, 211-, 212-, 205-, 206-, 207-, 208-, 209-, 175- ва 167) моддаларига асосан жазоланиши бўйича огоҳлантирилдилар.

Агентлик ҳудуди кузатув камералари билан таъминланган, бино ва бўлинмаларда тегишли мазмундаги плакатлар ва буклетлар осилган.

Шу билан бирга, тизим ташкилотларида вилоятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан Суд, прокуратура, ички ишлар, адлия идоралари ходимлари иштирокида “Коррупция-миллий хавфсизликка таҳдид” мавзусида семинар ва суҳбатлар ўтказиш ишлари ташкиллаштирилди.

Семинарлар ҳақидаги репортажлар маҳаллий инфорацион каналларда, республика телевидениясида (“Ўзбекистон-24”) ҳамда ижтимоий тармоқларда (facebook ва standart.uz) кенг ёритиб борилмоқда.

“Ўзстандарт” агентлиги тизимида коррупцияга қарши кураш масалалари асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан, фақатгина коррупциянинг оқибатларига қарши кураш йўналишида олиб борилган бўлса, ҳозирги кунда бу ишларга кенг жамотчилик, жумладан идоралар, корхона ва ташкилотлар жамоалари жалб қилиниб, коррупциянинг фақатгина оқибатларигагина эмас, балки уни келтириб чиқарувчи сабабларига қарши кураш олиб бориш йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш мақсадида Самарқанд, Сирдарё вилоятларида учрашувлар ўтказилди.

Ушбу тадбирларда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг жисмоний ва юридик шахсларга қулайликлари, мурожаат турлари, ижро этиш муддатлари, мурожаат этиш шакллари тўғрисида ҳамда агентликнинг хизматлар турлари, яратилаётган қулайликлар бўйича тадбиркорларга жойларда маълумот берилди.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан 2018 йил 9-ойлиги давомида 322 жисмоний ва юридик шахслардан мурожаатлар келиб тушган бўлиб, улардан ягона интерактив давлат хизматлари порталидан 132 та, ёзма ва электрон мурожаатлар 143 та келиб тушган, сайёр қабуллар ва оғзаки мурожаатлар 52 ташкил этади. Ушбу келиб тушган мурожаатларнинг 249 тасига тушинтиришлар берилган, 53 тасига эса чоралар қўрилган ва мурожаатчининг масаласи ижобий ҳал этилган, 25 таси эса бошқа вазирлик ва идораларга юборилган.